

МИРЗАЕВА Феруза

Фаргона давлат университети ҳузуридаги
педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг
малакасини ошириш минтақавий маркази халқаро
ҳамкорлик бўйича мутахассиси
tiu_502@mail.ru

НАҚШБАНДИЯ-МУЖАДДИДИЯ ТАРИҚАТИ РИВОЖИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ИЗУЧЕНИЯ РАЗВИТИЯ ОРДЕНА НАКШБАНДИЙА- МУДЖАДДИДИЙА

THEORETICAL FOUNDATIONS FOR STUDYING THE DEVELOPMENT OF THE NAQSHBANDI-MUJADDIDI ORDER

Аннотация: Ушбу мақолада нақшбандия-мужаддидия тариқатининг келиб чиқиши, мазкур тариқатни Ўрта Осиёда тарқалиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, тасаввуф таълимотида тутган ўрни ва аҳамияти, тариқат шайхларининг жамият маънавий ҳаётидаги роли манбалар ёрдамида таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: тасаввуф, тариқат, Ўрта Осиё, нақшбандия-мужаддидия, шариат, шайх, таълимот.

Аннотация: В данной статье с использованием источников анализируется происхождение секты Накшбанди-муджадди, особенности распространения и развития этой секты в Центральной Азии, ее роль и значение в учениях мистицизма, роль шейхов секты в духовной жизни общества.

Ключевые слова: суфизм, орден, Средняя Азия, нақшбандийа-муджаддидийа, шариат, шайх, доктрина.

Abstract: This article is devoted about apparent of naqshbandi-mujaddidi and about its spreaded in Central Asia. The main particularities and significant of naqshbandi-mujaddidi is also given in this article. There is given analyze of the role of righteous path in spiritual life of community.

Key words: sufism, order, Central Asia, naqshbandi-mujaddidi, shariah, shaykh, doctrine.

КИРИШ

IX аср бошларига келиб, тасаввуфнинг назарий асослари ишлаб чиқилди, суфийларнинг амалий рухий-психологик машқлари, ўзини-ўзи тарбиялаш ва чиниктириш тадбир усуллари шаклланди, тариқат, маърифат, ҳақиқат деган тушунчалар юзага келиб, тасаввуфнинг ушбу уч қисмига оид қарашлар мажмуи тузилди – тасаввуф алоҳида илм сифатида қарор топди [1:22].

Гарчи тасаввуф мактабларининг ташкил топиши дастлаб Куфа, Бағдод, Басра, Миср каби ислом дини кенг тарқалган ҳудудлар билан боғлиқ бўлса-да, лекин кейинчалик, XI–XII асрларга келиб, Ўрта Осиёда бутун ислом олами миқёсида умумэтироф этилган Яссавия, Кубравия, Хожагон каби нуфузли мустақил тариқатлар вужудга келган. Ўрта Осиёда кенг тарқалган ҳар қайси тариқат шу минтақада азалдан мавжуд бўлган диний расм-русумлар таъсиридан четда қолмай, балки уларнинг маҳаллий урф-одатларини ўзлаштириш жараёнида ўз таъсирини ҳам кўрсата олган. Шайхларнинг жамиятнинг маънавий ва сиёсий жиҳатдан ривожланишига бўлган масъулияти кейинчалик бошқа тариқатлар учун ҳам одатга айланган. Ўрта Осиёдаги тасаввуф тариқатлари шайхларининг фаолияти минтақанинг ижтимоий, сиёсий ва диний ҳолатига катта таъсир кўрсатган.

АСОСИЙ ҚИСМ

Хожагон тариқати XIV асрга келиб, Баҳоуддин Нақшбанд томонидан янада такомиллашди. Бу эса Ўрта Осиёда мўғуллар ҳукмронлигидан кейинги диний-маънавий ҳаётнинг янгича йўналишида шаклланишига асос бўлди. Айнан XIV-XV асрлардан бошлаб ушбу тариқат вакиллари жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок эта бошладилар. Амир Темур (1336–1405) ва Темурийлар томонидан марказлашган давлатнинг ташкил этилиши тариқат вакилларининг нафақат диний-маънавий соҳадаги назарий, балки мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида амалий фаолият юритишлари учун ҳам шароит яратди.

Кейинчалик Ўрта Осиёда марказлашган аштархонийлар давлатининг парчаланиши (XVII–XVIII асрлар) ушбу ҳудудда тарқалган тариқатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Маълум бир даврларда у ёки бу тариқат намояндалари ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз мавқеини эгаллаб келди. Жумладан, юқори табақа вакиллари ҳисобланган ҳамда нақшбандия тариқатига мансуб Жўйбор шайхлари Бухоро амирлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнади.

“Бу ҳақда гапирганда, - дейди, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев, - Буюк ипак йўли ва савдо алоқаларининг тадрижий тараккиёти, ўтмишдаги улуғ аллома ва адибларимизнинг Ҳиндистонга бағишланган асарлари, бу юртда фаолият юритган Бобурийлар салтанати, Баҳоуддин Нақшбанд томонидан асос солинган нақшбандия тариқатининг ҳинд диёрида кенг тарқалиши сингари кўплаб мисолларни келтириш мумкин” [2:255]. Шу нуқтаи назардан олиб қаралганда тасаввуфнинг мавжудлиги исломнинг бутун Жанубий Осиёда тарқалишига етакчи куч бўлган. Ҳиндистонга ислом кириб бориши суфийлик тасаввуфий анъаналари Деҳли Султонлигининг X–XI асрларида, кейин эса Ҳиндистоннинг барча қисмига тарқалган. Маълумки, хронологик жиҳатдан ажралиб турадиган дастлабки Деҳли Султонлиги туркий ва афғон ўлкалари ҳукмдорларидан иборат эди. Унинг натижасида Жанубий Осиёни исломни кенг тарқалиши ва маданиятини ўрганиш учун шароитлар яратилганидан далолатдир. Ислом дини суфийлар фикрича, синкретик кадриятлар, адабиёт, таълимга доимий таъсир кўрсатган. Суфий воизлари, савдогарлар кўринишида денгизга саёхат ва савдо-сотик орқали Гужоратга кириб борганлар. Бу эса, суфийликни аста секинлик билан ушбу ҳудудда ислом дини билан боғлиқ жараёнларни аҳолига тарғиботини биринчи ташкилий тадбирларини ташкиллаганини маълум қилади. Илоҳий маънавият, космик уйғунлик, муҳаббат ва инсонпарварлик ҳақидаги суфийлик таълимотлари оддий одамларга кучли таъсир кўрсатган [11]. Исломни тасаввуфий тушунчаларини тарқатишда ёрдам берган ва Ҳиндистонни суфийлик маданиятининг замонавий эпицентrigа айлантиришга

юқоридаги омиллар сабаб бўлган деб ҳисоблаймиз.

Ҳозирги пайтда жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида нақшбандия тариқати тарқалишига урғу берилади. Шарқ ва Ғарб мамлакатларида, албатта, Баҳоуддин Нақшбанднинг издошлари борлиги унинг сулуки давом этаётганининг гувоҳи бўлиш мумкин. Чунки Баҳоуддин Нақшбанд, аввало, ислом дини шариати мезонларини маҳкам ушлаган ва уларнинг бузилишига йўл қўймаган. Иккинчидан, у чин инсоний фазилатларни илгари сурган, жамиятнинг турли вакиллари ўртасида фугувват – жавонмардликни тарғиб қилган. Бунинг ортида одамлар бир-бирларига моддий ва маънавий ёрдам бера бошлаганлар, ҳаётдаги қийинчиликни ҳамжиҳатликда енгиб ўтиб, шодликларни бирга баҳам кўрганлар [3:7]. Буларнинг барчаси Баҳоуддин Нақшбанд жамиятда барпо қилмоқчи бўлган тариқат, бирдамликнинг айнан ўзи эди.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф бир қатор тариқатларни тавсифлаб, жумладан, нақшбандия силсиласинининг 30 та ҳалқасини батафсил баён қилган. Силсила Муҳаммаддан бошланади. Ундан ислом оламининг биринчи халифаси Абу Бакр Сиддиқга (572-635 й.), ундан Салмон Форсийга, ундан Абу Бакр Сиддиқнинг набираси Қосим Ибн Муҳаммадга (650-720), ундан Жаъфар Содиқга (700-765), ундан Боязид Бистомийга (ваф. 875), ундан Абул Ҳасан Ҳарақонийга (963-1034), ундан Абу Али Фармадийга (1016-1084), ундан Юсуф Ҳамадонийга (1048-1141), ундан Хожа Абдуҳолик Гиждувонийга (1122-1199), ундан Хожа Ориф Ревгарийга (1165-1212), ундан Хожа Маҳмуд Фағнавийга (ваф. 1317), ундан Хожа Али Ромитанийга (1194-1321), ундан Муҳаммад Бобо Саммосийга (ваф. 1354), ундан Саййид Мир Кулолга (ваф. 1370), ундан Хожа Муҳаммад Баҳоуддин Нақшбандга (1318-1389), ундан Хожа Алоуддин Атторга (ваф. 1399), ундан Хожа Яъқуб Чархийга (ваф. 1447 й.), ундан Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга (1404-1490), ундан Хожа Муҳаммад Зоҳидга (ваф. 1529), ундан Дарвиш Муҳаммадга (ваф. 1562), ундан Хожа Муҳаммад Имканагийга (1512-1599), ундан Хожа Муҳаммад Боқийга (1565-1606), ундан Имоми Роббоний Аҳмад Форук Сирхиндийга (1563-1625), ундан ўғли

ал-Урватул Вусқо шайх Муҳаммад Маъсумга (1598-1669), ундан ўғли шайх Сайфиддинга (1639-1696), ундан Саййид Нур Муҳаммад Бадавунийга (ваф. 1722 й.), ундан Ҳабибуллоҳ Мазҳар Жони Жонон Шамсуддинга (1701-1781), ундан Шоҳ Абдуллоҳ Дехлавийга (1745-1824), ундан тариқатнинг ўттизинчи шайхи Холид Зиёвуддин Бағдодий (1770-1826) билан яқунланади.

Манбаларда нақшбандия тариқати ҳар хил номлар билан – “Сиддиқия”, “Тайфурия”, “Ҳожагония”, “Нақшбандия”, “Нақшбандия-Ахрория”, “Нақшбандия-Мужаддиия”, “Нақшбандия-Мазҳария”, “Нақшбандия-Холидия” деб аталганини айтиб, кейин эса “Нақшбандия” номининг ўзи собит бўлиб қолгани, – таъкидланмоқда [4:77-139].

Буларнинг баъзилари тасаввуф илмини ривожлантиришда маълум из қолдирган Абу Бакр, Абу Язид Бистомий, Убайдуллоҳ Ахрор, Шамсиддин Мазҳар, Холид Зиёвуддин Бағдодий каби шайхларнинг номлари билан боғлиқ бўлса, бошқалари, масалан, Ҳожагония – Юсуф Ҳамадоний ва унинг шогирдларидан бири Абдуҳолик Ғиждувоний, Мужаддиия - Имоми Раббоний Аҳмад Форук Сирҳиндий фаолиятлари билан боғлиқ.

Шу ўринда биз аввало, жамиятни ижтимоий шаклланишининг асоси бўлган ҳамда маънавий давомийлик аъналарига мос келадиган “нақшбандия-мужаддиия” тариқати ҳақида ўз изланишларимизни баён этамиз.

Мужаддид (ар. - ислохотчи, янгиланувчи, тирилтирувчи) - шариатнинг янгиланувчиси [5:290] деган маъноларни англатади. Бир сўз билан айтганда, мужаддид мужтаҳид, фикх, яъни замонавий масалаларга шаръий ечимлар бериш қобилиятига эга бўлган кишидир.

XVI аср охири ва XVII аср бошларида нақшбандия тариқати тараққиётининг янги юксалиш даври бошланди. Бу даврда нақшбандия тариқатининг бир тармоғи сифатида, нақшбандия-мужаддиия шаҳобчаси юзага келди. Бунда, нақшбандия тариқатининг назариётчиларидан бири, айни пайтда юртимизда фаолият олиб бораётган тариқатларнинг силсиласида номи зикр қилинган, XVI аср охири ва XVII аср бошларида Ҳинд диёрининг Сирҳинд шаҳрида яшаб ўтган Аҳмад Сирҳиндий ал-Форуқий

ар-Раббоний (1564-1624)нинг ўзига хос ўрни бор. Аҳмад Сирҳиндий “Имом Раббоний” ва “Мужаддиди алфи соний” яъни “иккинчи минг йилликнинг янгиловчиси” каби шарафли номлар билан шуҳрат қозонган [6:51]. У зотни илк бор “Мужаддиди алфи соний”, яъни иккинчи минг йилликнинг мужаддиди деб Ҳиндистоннинг буюк олимларидан Абдулҳаким ас-Сиёлкутий (вафоти 1067/1656) эътироф этган ва шахсиятини ҳурмат қилиб улуғлаган. Нақшбандия тариқатининг “мужаддиия” деб аталишига ҳам Аҳмад Сирҳиндийнинг мазкур номи сабаб бўлган.

Шу ўринда аниқ тариқат ёки йўналишга нисбатан қўлланиладиган “мужаддиия” атамаси баъзи Ғарб тадқиқотчилари томонидан зоҳирий маънода қабул қилинган ҳоллар ҳам учрайди. Масалан, швецариялик тадқиқотчи Анке фон Кюгельген ўз тадқиқотларида: «Ислом аъналарига мувофиқ ҳар юз йиллик бошида янги мужаддид келади. Тариқат раҳнамолари ёки ҳомийларидан кўпчилиги мусулмон тақвими бўйича XIII асрнинг янгиловчиси бўлиб танилдилар. Дамашқда шайх Холид (1776-1827) бу номга сазовор бўлди. Бухорода «XIII асрнинг янгиловчиси» сифатида Манғитлар сулоласидан бўлган ҳукмдор Шоҳ Муродни (хукм.й. 1785-1800) кўришимиз мумкин» деган фикрларни беради. Чунки нақшбандия тариқати шайх Аҳмад Сирҳиндий (1564-1624)дан сўнг нақшбандия-мужаддиия, яъни «янгиланган» деб юритила бошланган. Бу аввало, Муҳаммад Пайғамбарнинг: “Аллоҳ ҳар юз йилда битта ўз динининг янгиловчисини юборади”, – деган ҳадисидан келиб чиққан бўлса, иккинчидан, Имом Раббоний замонасининг энг кўзга кўринган уламоларидан бири сифатида “мужаддиди алфи соний”, яъни “ҳижрий иккинчи минг йилликнинг янгиловчиси” деб эътироф этилганига ишора эди.

Мужаддиия таълимоти тавҳид, зикр, пир-муридлик муносабатлари каби тасаввуфий ғоялар билан боғлиқ. Аҳмад Сирҳиндий «янгиланиш» деганда шиа оқимининг тавҳид ва ақида борасидаги фикрлари, Акбаршоҳнинг динларни бирлаштириш борасидаги ақидавий хатоси, ваҳдату-л-вужуд, зикр каби масалаларни ислоҳ қилишни назарда тутган эди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, маҳаллий таъсир марказларига ҳам тариқат

шайхлари даъвогарлик қилган. Бухорода бир пайтнинг ўзида Миён Фазл Аҳмад, Муҳаммад Амин Даҳбидий ва халифа Ниёзқули каби турли устозлардан фотиҳа олган бир нечта мустақил шайхлар ҳам фаолият олиб борган. Шундан келиб чиққан ҳолда, мужаддииянинг Ўрта Осиёда тарқалиш жараёни баъзи бир тарихчиларнинг таъкидлаганларидек, бир томонлама эмас, балки кўп тармоқли бўлган Дарҳақиқат, улардан бири, Мусохон Даҳбидий (1700-1776/77) – Мовароуннаҳрдаги нақшбандия-мужаддиия асосчиларидан бири бўлиб, у Даҳбид кишлоғида (Самарқанддан 15 км. шимолда) туғилган, Самарқанддаги Тиллакори мадрасасида таҳсил олган, уни тамомлаб отаси билан бирга Карнак кишлоғига (Ҳисордан унча узоқ бўлмаган жой) Ҳисордаги кубровия тариқатининг машҳур шайхи амакиси Муҳаммад Ризо Ҳисорий Карнакийнинг маслаҳатига биноан ҳаж зиёратига кетди.

Мусохон Даҳбидий сафар даврида Кашмирнинг нақшбандия-мужаддиия тариқати шайхларидан бири Миён Обид (ваф. 1746 й.)ни учратиб қолади ва алломадан тасаввуф илми бўйича таълим олиш мақсадида 11 йил давомида у билан илмий фаолиятини давом эттиради.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Миён Обиддан 11 йил таълим олган Даҳбидий шундан сўнг ватани Даҳбидга қайтиб келади ва у ерда 18 йил давомида “Нақшбандия-даҳбидия-мужаддиия” раҳнамоси сифатида фаолият олиб боради ва ўз ўрнида, шогирдлар ҳам тайёрлайди.

Мусохон Даҳбидий ўнлаб асарлар ёзиб қолдирган, шунингдек, унинг ҳинд ва қашқар мужаддиия шайхлари билан ёзишмалари ҳам маълум. Даҳбидийнинг таълимоти Аҳмад Сирҳиндий ва уни тарафдорларининг ғоя ва қарашлари таъсирида шаклланган. Даҳбидий доимо мотуридия ақидасини қўллаб-қувватлаган, чунки унинг фикрича унда нақл устун бўлиб, фалсафага ортиқча урғу бермаган. Биограф олимлардан бирининг айтишича, мужаддииянинг қоидалари ва маросимларини Даҳбидий, нақшбандия-даҳбидияники қилиб қўйди ва ўз шогирдларига омма олдидаги зикр, самоъ ва бошқа одатларни қатъий таъқиқлаб қўйган.

Шунингдек, Мусохон Даҳбидий ўз шогирдларига султонларга яқинлашишни ҳам

ман этди, унинг фикрича, бу шариат ва тариқатни сусайтиради ҳамда дарвишлар мақомига путур етказди. Даҳбидий хонақоҳида суннат ва шариатга зид бўлаган хулқ-атвор, кийимларга талаб меъёрларини белгилаб берувчи қатъий тартиб ҳукм сурган. Даҳбидийнинг ўзи бу қонунларга тўлалигича амал қилган. Лекин унинг айрим шогирдлари сиёсий ҳаётда фаоллиги билан ажралиб турганлар, баъзи шогирдлари эса зикрни омма олдида бажарар, самоъ билан ҳам шуғулланишар эди [7:18].

Юқоридаги ҳолатларга қарамасдан, Мусохон Даҳбидийнинг аксарият шогирдлари таълимот доирасидаги фикрларини қўллаб келганликлари манбалардан маълум. Шунингдек, XIX аср охири ва XX аср бошларида улар манғитларнинг давлат ҳокимияти масалаларида ҳам ўз ўринларига эга бўлганлар [8:277].

Бухоро амири Шохмурод Маъсум нақшбандия-мужаддиия тариқати тарафдори бўлган ҳамда ўз ҳукмронлик даврида мужаддиия тариқати шайхларининг кўрсатмаларига ҳам давлат бошқарувида, ҳам ўз ҳаёт тарзида амал қилган ва 5 вақт намоздан ташқари нафл намозларини ҳам адо этган, ҳар қандай дабдабани инкор этган. Шохмурод Маъсум, шунингдек, анъанавий шариатга мувофиқ жаҳр ва бошқа ибодат амалларини бекор қилишга ҳаракат қилган. Нақшбандия-мужаддиия тариқати тарафдорларининг фикрларини қўллаб-қувватлаган. У мужаддиияда амал қилган ибодат амалларини шариатга тўлиқ мувофиқ, деб баҳолаб, ҳафий зикрни маъқул деб билди. Шохмурод Маъсумнинг Бухорода одат тусига кирган суфий ибодат амалларига ўзгартириш киритиши бу ибодат маросимлари уларнинг анъаналарига тўғри келмайдиган баъзи тариқатларнинг қаршиликларига учради.

Шохмурод ҳукмдорлик қилган давр XVIII аср ярмига тўғри келган. У суннани тикловчи (муҳйи ас-сунна), шариат ҳимоячиси (ҳами аш-шариъа) ва динни қуфроний янгиликлардан тозаловчи (маҳи ал-бидъа) деб шуҳрат қозонди. Унинг ҳукмронлиги даврида нақшбандия-мужаддиия тариқатининг буюк шайхларини давлат бошқарув ишларига жалб қилган.

Шохмурод Маъсумнинг ўғли амир Ҳайдар (1800-1826) ҳам ўзига расман «Амир ал-муъминин» унвонини қабул қилиб, мужаддиияни тарқатиш сиёсатини давом

эттирди, аммо отаси амал қилган баъзи таълимотлардан воз кечди [9:279].

XVIII асрнинг II ярмида Ўрта Осиёда бир вақтнинг ўзида кўплаб мустақил мужаддиия шайхлари мавжуд бўлиб, ҳар бири ўз шогирдлари томонидан “қутб” сифатида эътироф этилди: қутби иршод, қутбул-ақтоб (қутблар қутби) қутби авлиё ёки қутби замон [10:323]. Мазкур тариқат шайхларининг таълимоти ва қарашлари ўша даврда Мовароуннаҳр ижтимоий-диний ва сиёсий ҳаётида муҳим аҳамият касб этди. Гарчи тариқат шайхлари сиёсий жараёнларга бевосита аралашмаган бўлса-да, лекин уларнинг қарашлари жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётига фаол аралашуви учун қулай замин яратди. Бу эса тариқат ғояларининг жамият ҳаётига сезиларли таъсир ўтказишига олиб келди. Шу боис XVI-XIX асрларга келиб, нақшбандия-мужаддиия тариқати минтақада кенг ривожланди. Тариқат ғояларини жамият ҳаётига мослаштириш, исломга уйғунлаштириб талқин қилиш каби ҳолатлар юзага келди. Ўрта Осиёнинг мужаддиия шайхлари Ҳиндистонда шаклланган ушбу таълимотни Марказий Осиё ва Волга-Урал минтақасида тарқалишига салмоқли ҳисса қўшадилар.

Нақшбандиянинг икки анъанавий маркази – Бухоро ва Самарқанд мужаддииянинг қувват қалъасига айланди, аммо, Насафда ҳам харизматик мужаддиия шайхлари ўз атрофларига кўплаб шогирдлар йиғганлар. Бу ўқувчиларнинг кўпчилиги, ўз навбатида, ватанларида ушбу таълимотнинг раҳнамоларига айландилар, натижада, мужаддиия шайхларининг фаолияти кўплаб ҳудудларни камраб олган ҳолатлар вужудга келган.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, нақшбандия тариқатининг бир йўналиши сифатида юзага келган нақшбандия-мужаддиия тариқати нақшбандия тариқатининг қонун-қоидаларини ислоҳ қилган, жамият турмуш тарзига янада яқинлаштирган. Бу эса нақшбандия-мужаддииянинг кенг аҳоли қатламлари ичига янада кенгрок кириб боришини таъминлади ва Ўрта Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ халқларининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида муҳим

ўрин эгаллади. Нақшбандия-мужаддиия тариқатига хос хусусиятлардан бири ҳам унинг муайян бир минтақага боғланиб қолмай, балки бутун мусулмон диёри бўйлаб кенг тарқалиб кетганлигидадир.

АДАБИЁТЛАР РЎЙҲАТИ:

1. Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009.
2. Мирзиёев Ш.М. Нияти улўғ халқнинг иши ҳам улўғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: Ўзбекистон. 2019.
3. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Тошкент: Ёзувчи, 1996.
4. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. – Тошкент: Шарқ, 2012.
5. Van Donzel. Mujdiddid // Islom entsiklopediyasi. T. VII. Leyden-Nyu-York 1993 (2-nashr).
6. Жўзжоний А.Ш. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001.
7. Юлдашходжаев Х. Мусохон Даҳбидийнинг нақшбандия-мужаддиия тариқати ривожидида тутган ўрни (XVIII аср): Тар. фан. ном. ... дис. автореф. – Тошкент: ЎЗР ФА ШИ, 2008.
8. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Том I. – Москва. Восточная литература РАН, 2006.
9. Анке фон Кюгельген. Расцвет Накшбандийа-Муджаддиийа в Средней Трансоксании с XVIII – до начала XIX вв.: опыт детективного расследования [пер. с нем. яз.: Скородума] // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фрица Майера (1912–1998) / сост. и отв. ред. А.А. Хисматуллин. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001.
10. Бабаджанов Б. Возрождение деятельности суфийских братств в Узбекистане // Суфизм в Центральной Азии (зарубежные исследования): Сб. ст. памяти Фрица Майера (1912–1998) / сост. и отв. ред. А.А. Хисматуллин. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2001.
11. https://ru.qaz.wiki/wiki/sufizm_in_india